

## "Тошкент ёшлар форуми - 2020"да

Дастлаб ОАВ, журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ноябрь-декабр ойлари давомида ўтказилган ёшлар ойлиги, ундаги тадбирларнинг навқирон авлод учун аҳамияти ҳақида тўхтаб ўтилди. Ойлик Тошкент ёшларини янада бирлаштиргани, эзгу мақсадлар сари йўналтиргани, янги ташаббуслар, илғор ғоя ва ҳаракатларга йўналтиргани эътироф этилди. Форум ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг икки куни ҳам жуда қизиқарли учрашув ва суҳбатлар билан ўтиши режалаштирилган. Хусусан, бугун "Ижтимоий соҳа - 2030: таълим ва соғлиқни сақлаш тизими истиқболлари", "Тошкентнинг маданий ва туристик қиёфаси - 2030", "Хукуқий Тошкент - 2030", "Рақамли Тошкент - 2030", "Пойтахтнинг молиявий келажаги ва замонавий қиёфаси - 2030" мавзуларида маъруза ва мулоқотлар бўлиб ўтди.



"Тошкент ёшлар форуми - 2020" нинг очилиш маросими Боз вазир ўринбосари Беҳзод Мусаев ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевнинг кириш сўзлари билан очилди. Ушбу нуфузли форумда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти факультет етакчилари ҳамда бир гурӯҳ фаол талабалар фаол иштирок этишди ҳамда қўйидаги маъруза ва тақдимотларда қатнашиш имкониятига эга бўлишди.



"Ижтимоий соҳа - 2030: таълим ва соғлиқни сақлаш тизими истиқболлари". Спикерлар: Шерзод Шерматов, Амрилло Иноятов, Ином Мажидов. "Тошкентнинг маданий ва туристик қиёфаси -2030" Спикерлар: Азиз Абдуҳакимов, Озодбек Назарбеков, Равшан Эрматов. "Хукуқий Тошкент - 2030". Спикерлар: Русланбек Давлетов, Акмал Бурхонов, Бекзод Мавлонов. "Рақамли Тошкент - 2030". Спикерлар: Олимжон Умаров, Абдулла Азизов, Фарход Ибрагимов



"Тошкентнинг молиявий келажаги ва замонавий қиёфаси - 2030" Спикерлар: Сардор Умурзаков, Темур Ишметов, Шерзод Хидоятов каби қизиқарли ва мулоҳазали, долзарб мавзулардаги суҳбатларда институтимиз талабалари нафақат иштирок этишди, балки ҳукуматимиз раҳбарларидан ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам жавоб олишди. Телеканаллар ва радиоларга, журналистларга интервюлар беришди. Талабалар ва факультет ёшлар етакчилари чексиз мотивацияга эга бўлишди. Сизларнинг эътиборингизга форумда талабаларимиз қатнашган фотожамланмани тақдим этамиз. Форум 19 декабр куни ҳам давом этади барчангизни таклиф этамиз.



**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**